Бironта ҳам туянинг бўйнида қилода (тумор мақсадида бойланган бўйинбоғ) қўймасдан, кесиб ташлашни буюрдилар

Абу Башир Ансорий разияллоҳу анҳудан: «У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сафарларининг бирида У киши билан бирга бўлганларини ва У зот инсонлар тунаш жойларида эканлар бир кишини юбориб: «Бironта ҳам туянинг бўйнида қилода (тумор мақсадида бойланган бўйинбоғ) қўймасдан, кесиб ташлашни буюрдилар».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафарларининг бирида эдилар. Инсонлар чодирларида дам оларди. Шунда инсонларни олдига бир шахсни юбориб туялар бўйнига илинган камон ипи, қўнғироқ ёки оёқ кийим бўлса кесиб ташлашни буюрдилар. Чунки улар кўз тегишидан қўрқиб илардилар, шунинг учун кесишга буюрдилар. Чунки бу илинган нарсалар инсонлардан ҳеч нарсани қайтармайди. Фоида ва зарар фақат ёлғиз Аллоҳ таолонинг қўлидадир.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/6761